
Қува туманида «Китобсевар миллат» шиори остида «Китобхонлик ҳафталиги» доирасидаги тадбирлар бошланди.

Қува туман ахборот- кутубхона марказида «Китобхонлик ҳафталиги» кўтаринки кайфиятда бошлаб олинди. Ўтказилган тадбирда туман ҳокимлиги, Республика маънавият ва маърифат маркази туман бўлими, Халқ таълими бўлими, Туман маданият ва туризм бўлими ходимлари, тумандаги умумтаълим мактаблари кутубхоначилари ҳамда фаол китобхонлар иштирок этдилар.

Тадбирда ахборот- кутубхона маркази мутахассислари томонидан Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1050 йиллиги муносабати билан тайёрланган «Буюк қомусий олим» номли услубий қўлланма тарғиботи ўтказилди.

Фаол китобхонлар ижросида мавзуга оид шеърлар, рақслар, «Анор» ашула ва рақс халқ дастаси томонидан куй-қўшиқлар, 32- ДМТТ тарбияланувчилари ижросида рақслар намойиш этилди.

Тадбирда сўз олганлар ўзларининг эзгу ва самимий тилаklarини билдирдилар ва барча китобхонларни «Китобхонлик ҳафталиги» байрами билан муборакбод этдилар.

Ўтказилган тадбир барчага хуш кайфият бахш этди.

2023-04-10 20:21:31